



XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

2022 - yil 1 - iyul

VI-66-144-7-0-K/22

Samarqand viloyat hokimligi

**Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги VI-53-126-7-0-K/21-сонли “Самарқанд вилояти
маҳаллий бюджетнинг 2021 йилдаги кутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги
маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги
қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27 ва 147-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида жорий йил 29 апрель кuni Самарқанд шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган тақдимот давомида берилган топшириқлар бўйича тасдиқланган 41-сонли баёни ҳамда бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги (06/15-32/1907-сонли) хати ҳамда вилоят ҳокимлигининг 2022 йил 16 июндаги (03-03/191-сонли) йиғилиш баёнини инобатга олиб, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши олтинчи чақирик, олтинчи олтинчи сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2022 йилги вилоят маҳаллий бюджетининг ижроси бўйича бюджет харажатлар миқдорининг умумий мутаносиблигини сақлаган ҳолда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-126-7-0-K/21-сонли “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетнинг 2021 йилдаги кутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги қарорининг 3-илоvasи 13, 31-бандларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев) вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йилги харажатлар режасига тегишли ўзгартириш киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков)

ЗИММАСИГА ЮКЛАНСИН.

Кенгаш раиси



Э.Турдимов

Xalq deputatlari Samarqand viloyat Kengashining
2022 yil 1 iyuldagi
VI-66-144-7-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-126-7-0-K/21-сонли “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетнинг 2021 йилдаги кутилаётган ижроси ҳамда 2022-йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги қарорининг 3-иловасига киритилаётган ўзгартириш

ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўмда)

Т/р	Ўзгардиган банд	Худудий бюджет маблағлари тақсимловчилари номи	Жами сумма	шу жумладан ойлар бўйича						
				июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	31	Вилоят ҳокимлиги	-1000000	-146533	-253467		-100000	-400000	-100000	
2	13	Вилоят Транспорт бошқармаси	1000000	146533	253467		100000	400000	100000	
		Жами	0	0	0	0	0	0	0	0